

АУДИОВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР АСОСИДА ЧЕТ ТИЛИДА НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



Ваҳобжон НАЗАРОВ

Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш
Республика илмий-амалий маркази
илмий ходими
nvsh-1987@mail.ru

Аннотация

Мақолада хорижий тилларни ўқитишда аудиовизуал материаллардан самарали фойдаланиш ва ушбу материалларнинг дидактик хусусиятлари, шунингдек, бу борада француз олимларнинг фикрлари тўғрисида сўз боради. Материалнинг дидактик вазифалари, нутқий ва визуал жиҳатлари чет тилида нутқий компетенцияларни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида кенг таҳлил қилинади.

Аннотация

В статье рассматривается использование аудиовизуальных материалов в преподавании иностранных языков, дидактические особенности данных материалов, а также мнения французских ученых на предмет использования аудио-видео ресурсов в обучении иностранным языкам. Дидактические задания материала, его речевые и визуальные особенности проанализированы как важнейшие принципы развития речевой компетенции в изучении иностранного языка.

Abstract

The article discusses the use of audiovisual material in teaching of foreign languages, didactic features of the material, as well as the opinion of French scientists on the subject of the use of audio-visual resources in teaching of foreign languages. Didactic tasks of the material, its speech and visual features were deeply analyzed as the most important principles of speech competence development in foreign language learning.

Калит сўзлар: аудиовизуал материаллар, мулоқот кўникмаси, компетенциявий ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар, медиатаълим воситалари, аудиовизуал метод.

Ключевые слова: аудиовизуальные материалы, навыки общения, коммуникативный и деятельный подходы, образовательные медийные средства, аудиовизуальный метод.

Keywords: audiovisual material, communication skills, communicative and activity approaches, educational media tools, audiovisual method.

Бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда инновацион методикалардан фойдаланиш самарали натижаларга эришишда заруриятга айланиб бормоқда. Бу жараён мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 2012 йил 10 декабрда тасдиқланган “Чет тилларни

Ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарорида ҳам ўз аксини топган (1). Бунда таълим жараёнида замонавий инновацион методикалардан фойдаланиш, АКТ ва мультимедиа технологияларини самарали татбиқ этиш кераклигига алоҳида урғу берилган.

Чет тилини ўрганиш ва ўқитишнинг замонавий ёндашувлари мулоқот юритишга ўргатиш (коммуникатив ёндашув) ва нутқий вазиятга мос ҳаракат қилиш (фаолиятга йўналтирилган ёндашув)га асосланади. Бу жараён АКТ, хусусан, Интернет-видео материаллари билан боғлаб амалга оширилса, таълим сифатини оширишда кўшимча афзалликларни келтириб чиқаради. Шунга кўра, бугунги кунда Европа мамлакатлари, хусусан, Францияда хорижий тилларни ўқитишда энг замонавий ва самарали ёндашув сифатида фаолиятга йўналтирилган компетенциявий ёндашув фаол қўлланилмоқда. Компетенция бирор фаолиятга йўналтирувчи билим, кўникма ва малакаларнинг уйғунлигидир.

Маълумки, видео материаллар ўз манбасига, методик ва методологик асосига эга бўлади ва ҳар қандай видео материалда муайян муаммога эътибор қаратилади. Шундагина унга мулоқотни ривожлантирувчи восита сифатида қараш мумкин. Демак, видеони томоша қилиш жараёнида нутқ амалиётининг интерфаол, ижодий хусусияти намоён бўлади.

Луғатларда видео материал овоз ва тасвирнинг уйғунлиги сифатида ифодаланиб, таълим-тарбия жараёнига қаратилганлиги таъкидланади (8).

Бугунги кунда таълим-тарбия жараёнида фойдаланилаётган аудиовизуал материалларнинг манбаи бўлган Интернет эса компьютер ёки мобиль қурилмалардан фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқотнинг халқаро тармоғи сифатида изоҳланади (9). Демак, Интернет ўқувчилар учун тил ўрганишнинг мотивация манбаи, дунёда содир бўлаётган воқеаларни бирор бир тил воситасида аудиовизуал материаллар орқали англаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Аудиовизуал материаллар хусусида гапирилар экан, “аудиовизуал” тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Латин тилида *audire* – тингламоқ, *videre* – кўрмоқ, яъни, “тинглашга ҳам, кўришга ҳам мўлжалланган” деган маънони англатади(2, 9).

Хорижий тилларни аудиовизуал материаллар асосида ўқитиш методи аудиовизуал метод деб аталади(2, 9). Чет тилини ҳам тинглаш, ҳам кўриш орқали ўзлаштириш ушбу методнинг асоси қилиб олинган. Бу метод Францияда ўтган асрнинг 50-йилларида шаклланган бўлиб, хорижий

тилларни ўқитишда асосан видео ва аудио материаллардан фойдаланиш билан ифодаланган(7, 5).

Бу борада Ф. Манжено, М. Катру, С. Пюран, Т. Лансиен, М. Томе каби олимлар француз тилини хорижий тил сифатида ўрганиш/ўқитишда мультимедиа воситалари ва рақамли технологияларнинг аҳамиятини ўз асарларида таъкидлаб ўтишган. Шунингдек, Ф. Паскийнинг фикрича, видео материаллар сўзловчидан тўғридан-тўғри (оғизнинг ҳаракатланиши, лабларнинг кенгайиб-торайиши, мимика, пантомимикалар орқали) артикуляция жиҳатидан муҳим маълумотларни аудиовизуал қабул қилишга имконият туғдиради(3, 12). Бу эса тингловчининг нафақат хорижий тилни пухта ўрганишига ёрдам беради, балки билим доирасини ҳам кенгайтиради, қабул қилинаётган ахборотни таҳлил, синтез қилиш орқали ижодий эркин фикрлаш доирасини ривожлантиради. Ушбу жараён талабанинг чет тилидаги нутқий компетенцияси, ижодий эркин мулоқот кўникмасини янада ривожлантиради. Мустақил ўрганиш кўникмасини шакллантиришга, интерфаолликка имконият яратади.

Ж.М. Дюкронинг француз тили аудиторияси учун видео материаллардан фойдаланиш хусусидаги (5, 1), Ф. Манженонинг француз тилини хорижий тил сифатида ўрганиш/ўргатиш жараёнида Интернет ресурсларининг аҳамияти ҳақидаги (6, 1), шунингдек, М.Катрунинг француз тилини ўқитишда фаолиятга йўналтирилган ёндашув ҳамда АКТ ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш юзасидан (4, 1, 4, 7, 14) олиб борилган тадқиқотлари француз тилини хорижий тил сифатида ўрганиш/ўргатишда аудиовизуал материалларнинг нечоғли муҳимлигини кўрсатади.

Видео материал медиа восита сифатида маълумотни икки хил йўсинда ифодалайди: *тасвир ва товуш*. Бунда тасвирни дидактик восита сифатида, товушни маълумот берувчи восита сифатида тушуниш мумкин.

Тасвир реалликни ифодалагани учун ўқувчида қизиқиш уйғотади, маълумотни кенгроқ тушунишга имкон беради. Эшитилган материални визуал тасвирлашга имкон яратади. Маълумки, тасвир ва товуш жамиятда мулоқот ва ахборот етказишнинг фундаментал, самарали воситаси бўлиб, видео сифатида берилганда реал воқеликни акс эттириши билан муҳим аҳамият касб этади.

Товуш ва тасвир ўртасидаги алоқадорлик анимацион тасвир ёки видео тасвир вазифасини аниқлаб беради. Шу нуқтаи назардан, видео тасвирнинг вазифаси қуйидаги афзалликларда намоён бўлади:

- ✓ Гапириш/сўзлаш учун имкониятга кенг ўрин берилиши. Агар товуш ва тасвир видео сифатида ифодаланса, тингловчида мазмун ҳақида кўпроқ сўзлаш имконияти пайдо бўлади. Видеодаги манзара (инсонлар, нарса-мавжудотлар ва ҳаракатлар) товушда ифодаланиб, тасвирда пайдо бўлади. Бу эса тингловчида хотирадаги лексик бойликдан тўлақонли фойдаланиш имкониятини юзага келтиради.
- ✓ Ўрганилаётган манба ҳақида кенг маълумот олиш имкониятининг мавжудлиги. Анимация жараёнида товуш орқали берилаётган маълумот тасвир орқали тингловчининг кўз ўнгида гавдаланади ва маълумот ҳам аудиал, ҳам визуал бўлади.
- ✓ Манбани ўзлаштиришнинг визуал томони. Товуш видеодаги воқелик бўйича визуал маълумот беради, яъни товуш видеода содир бўлаётган воқеага мос тарзда гавдаланади. Бунда материалнинг визуал томони талабанинг кўз ўнгида воқеа сифатида гавдаланиб боради, бу жараён ўқувчида когнитив хусусиятни ривожлантиради ва дунё қарашини бойитади. Демак, дидактик материал нафақат чет тилини ўрганишда бир восита сифатида, балки маънавий ва маданий дунё қарашни ривожлантирувчи восита сифатида ҳам қаралади.
- ✓ Манбани ўзлаштиришнинг аудиал томони. Материалнинг аудиал томони нутқнинг нима ҳақида эканлиги тўғрисида тўлиқ вербал хабар беради. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар қандай аудиовизуал материалдан фойдаланишдан асосий мақсад талабада нутқий фаолият турларидан бири бўлган тинглаб тушуниш компетенцияни ривожлантиришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аудиал матн реал ҳаётни акс эттириши ва ўқувчини коммуникатив муҳитга мослаштириши керак. Шундагина, ўқувчи аудиал нутқни тез ва аниқ англайди, синтез қила олади.

Товуш ва тасвирнинг уйғунлиги ҳисобланган аудиовизуал материаллар видео кўринишда акс этиб, дидактик жиҳатдан таълим жараёнида мақсадли фойдаланишда ҳам самарали ҳисобланади. Шунингдек, аудиовизуал материаллардан таълимда дидактик жиҳатдан бир томонлама, яъни аудио ёки овозсиз видео сифатида ҳам фойдаланса бўлади. Бунда талаба-ўқувчида муайян жиҳатни, яъни эшитиш, тасаввур қилиш ёки кўриб фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш муҳим ўрин тутади

Товуш, албатта, тасвир билан чамбарчас боғлиқ, бироқ тасвирнинг товуш билан бир вақтда анимация орқали берилиши маълумотни тушунишда тасвирга нисбатан муҳимроқдир. Маълумотни тушуниб қабул қилишда тасвир товушни тўлдирувчи восита ҳисобланади. Видео

материалдаги товушнинг берилиши дидактика жиҳатидан ўзига хос фарқли хусусиятга эга бўлиб, уни учта фарқли қисмга бўлиш мумкин:

- вербал канал (яъни нутқий жиҳати);
- муסיқа (мелодия ва жарангдор муסיқий оҳанг);
- эпизодга мос шовқин.

Бу воситалар материални глобал тушунишни таъминлашга, энг муҳим маълумотларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади.

Аудиовизуал материалнинг вербал канали, яъни нутқий жиҳати талаба учун берилаётган воқеликнинг мазмунини англашда муҳим восита ҳисобланади. Аудиовизуал материални кўришдан мақсад унинг мазмунини англаш. Бунда вербал канал материалдаги мулоқотнинг асоси саналади. Ўқувчиларда эса нутқий компетенциялардан бири ҳисобланган тинглаб тушуниш компетенцияси вербал канал орқали амалга ошади.

Материалнинг муסיқий жиҳати ва эпизодга мос шовқини мулоқотнинг мазмунини тушунишда ёрдамчи восита сифатида талабанинг тинглаб тушуниш компетенциясини ривожлантиришда, воқеликни тез англашида самарали натижа беради. Таълим-тарбия жараёнида мақсадли фойдаланишга мўлжалланган аудиовизуал материалларда эпизодга мос мелодия, жарангдор муסיқий оҳанг ва шовқиннинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Аудиовизуал материалнинг, хусусан, видеонинг дидактик характеридан келиб чиқиб, француз тили ўқитиладиган аудиторияда видео материалнинг учта асосий вазифасини таъкидлаб ўтиш мумкин:

- ✓ Иллюстратив (тасвирли) – видео тасвир лингвистик мазмунга нисбатан мимика, жестларни кўрсатиш имкониятига эга.
- ✓ Қизиқиш уйғотувчи ёки стимул берувчи – видео материал талабани чуқур таҳлил қилишга, мазмунни ривожлантиришга ундайди.
- ✓ Ҳаракатга келтирувчи (мотивацион) – видеонинг тасвири видеога илова қилинган машқларни онгли тарзда бажаришга, мавзуни чуқурроқ ўрганишга туртки бўлади. Бу эса машқ ишлаш жараёнига ижодий ёндашиш, ўша мавзу бўйича бошқа бир машқларни ишлаб чиқиш қобилиятини ривожлантиради.

Ўқувчиларнинг чет тилида нутқий компетенцияларини ривожлантиришда аудиовизуал материаллардан фойдаланишнинг афзалликларини қуйидаги хусусиятлардан келиб чиқиб ҳам баҳолаш мумкин:

- Педагогик хусусияти. Аудиовизуал материаллардан фойдаланишда таълим жараёни талабаларни кўпроқ эркинликка,

масъулиятлиликка, интерактивликка ва ижодий фикрлашга ундайди.

- Дидактик хусусияти. Ўрганилаётган манбани бир неча бор такроран эшитиш, ўз хоҳишига хос методикани танлаши мумкин.
- Психологик хусусияти. Бу жараёнда ўқувчиларнинг тилни ўрганишга ички мотивациянинг кучлилиги, ўрганилаётган манбага нисбатан бутун эътиборнинг ва қизиқишнинг юқорилиги каби хусусиятлар билан изоҳланади. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш жоизки, бошқаларнинг нигоҳидан четда ва аудиториянинг босимидан ҳоли бўлиш кабилар психологик жиҳатдан муҳимдир.

Таълим жараёнида ўқитиш воситаси сифатида қараладиган ҳар қандай дидактик материал сингари видео материалларнинг ҳам дидактик хусусиятларини қўйидагича баҳолашимиз мумкин:

- Товушли ва тасвири маълумот орқали тилга нисбатан стимуляция;
- Турфа хилликни татбиқ этиш орқали педагогик маҳорат;
- Аниқ мотивацион вазифалар;
- Новербал нутқ устида ишлаш имкониятлари;
- Тушуниш кўникмасини тадрижий ривожлантириш;
- Аудиторияда жонли чет тили муҳитини, яъни чет тилида гаплашувчилар нутқи билан бойитилган муҳитни яратиш.

Юқорида қайд этилган видео материалларнинг дидактик хусусиятларидан келиб чиқиб, Интернет тармоғидаги аудиовизуал ресурслардан фойдаланиш аудиторияда жонли чет тили муҳитини яратиш орқали талабаларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Дидактик мазмундаги дидактик видеолар, хужжатли видеолар, ахборот-янгилик видеолари ва бошқа турдаги аудиовизуал ресурсларга мурожаат қилиш мумкин бўлади. Дидактик материал танланганда видео материалнинг мазмуни, давомийлиги, интерактивлиги, оригиналлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда аудиовизуал материаллардан самарали фойдаланилмоқда. Бироқ, олиб борилган илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, талабаларнинг чет тилида нутқий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи аудиовизуал материалларнинг дидактик жиҳатдан тўғри танланиши ва таълим жараёнига методик жиҳатдан тўғри татбиқ этилиши ҳар қандай ўқитувчига ўта жиддий масъулиятни юклайди. Яна бир жиҳати шундаки, аудиовизуал материаллар асосида чет тилларни ўқитишда

рецептив ва репродуктив жараёнлар амалга оширилади. Рецепттив жараён талабаларни мулоқот қилишга тайёрласа, репродуктив жараён уларнинг нутқий компетенциясини мулоқотга айлантиради.

Демак, аудиовизуал материаллар талабаларнинг хорижий тилда эркин мулоқот қилиш кўникмасини ривожлантиришда самарали хизмат қилиши билан бирга уларнинг маънавий, маданий ва эстетик дунёқарашини ҳам шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-1875 сонли қарор, 2012 йил 10 декабрь.
2. Ходжаев М., Қаҳҳарова М. Чет тили ўқитиш методикаси. – Т.: Фан ва технология, 2013. – 176 б.
3. Abry D. La vidéo en classe de FLE: vers un développement de la compétence communicative// Dissertation de master. – Paris: Université Stendhal de Grenoble, 2009. – 103 p.
4. Catroux M. Perspective co-actionnelle et TICE: quelles convergences pour l’enseignement de langue de spécialité? – Paris: JEEA, 2006. – 14 p.
5. Ducrot J.-M. L’utilisation de la vidéo en classe de FLE. – Paris: Edufle, 2005.// http://casnav.ins.ac-guyane.fr/IMG/pdf/jean_michel_ducrot.pdf
6. Mangenot F. Classification des apports de l’Internet à l’apprentissage des langues. – Grenoble: Université de Grenoble, 1998. – 14 p. <https://edutice.archives-ouvertes.fr/edutice-00000175>
7. Strike J. L’apprentissage du français langue étrangère facilité par la technologie// Dissertation de master. – Претория: Université de Претория, 2002. – 146 p.
8. <http://www.larousse.fr/dictionnaires/francais/vidéo/81881>
9. <http://le-dictionnaire.com/definition.php?mot=internet>